Стратегик ва минтақалараро
Кутубхонаси
тадқиқотлар институти

Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1996 йил. 24 сентябр | 38 (67)- сон

# ФИДОКОРЛИКНИНГ МАЪНОСИ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ АНДИЖОНДА ДЕҲҚОНЛАР БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

Ўтмишдан узилиб бўлмайди. Ҳар қанча қилманг, фойдаси йўқ. Ўтмиш дам ўнгингиз, дам сўлингизда пайдо бўлади. Шарпадай доим ёнингизда. Юрагингиздан пичагина нарида юрагингизга ҳамроҳлик қилади. Юрагингизга қулоқ солиб туради ўтмиш. Соя каби ҳамиша ортингиздан эргашади. Ўтмишни унутиб бўлмайди. Чунки унга умрингизнинг энг ноёб, такрорланмас дамлари тўкилиб қолган.

Ўтмиш тошга томган кўз ёшларингиз. Тошга айланган кўзёшларингиз. Бу тош — мангу.

Ҳозир нима ҳақда фикрламайлик, фикримиз ўтмишда туғилади. Ўтмишга қайтиб боради. Ўтмишдан қайтиб келади.

Ислом Каримов Андижон далаларида юриб фидокорлик ҳақида фикрлади.

Далаларда пахта чаман очилган.

Пахта чаманларини кўрмаган, пахта гулини тўйиб ҳидламаган ўзбек йўқ ҳисоби. Лекин сентябрнинг ўртасида бир дала пахтанинг худди келишиб, аҳд қилишиб бирваракай ялпи чаман бўлганлигини илгари ҳеч ким кўрган эмас. Ҳаммамиз бунинг нималигини энди кўриб-билиб турибмиз.

Президентнинг оқ чаман ичра шу чаманни чаман қилган камтар, камсуқум, осуда чеҳраси тандир нон каби иссиқ, сўзлари бўғдой уннинг патиридай тотимли деҳқон билан сўйлашиб туриши — ўзи бир тарих ва тарихда қоладиган манзара. Талантли мусаввир қаламига ташна манзара.

Бу чаман...сизга айтайми, — турган-битгани илм. Турган-битгани ҳикмат. Бу чаман...—деҳқончилик ҳозирги замонда бошдан охир илм ва ҳикмат эканлигини яна бир карра исботлаб турибди.

Бундай ҳосил чаманига илмсиз етишиб бўлмайди. Ўзини жамиятда эркин сезган деҳқонгина шундай ҳосилни яратиши мумкин.

Президент ёнида ўз эркинлигини ҳис қилган, эркинлигининг илмини эгаллаган, ер билан, табиат билан, қуёш ва ой, обу ҳаволар билан илм тилида сўйлаша оладиган деҳқон турарди.

Президент бир унга қаради. Бир пахта чаманига. Деҳқон чаманга, чаман деҳқонга муносиб тушганлигини кўрди.

Шунда унинг ёдига яқин ва узоқ ўтмиш тушди. Ўзбек деҳқонигина эмас, бутун ўзбек миллати пахтанинг қулига айлантирилган замонлар, балки бундан туғилган кўп аламли ҳодисаларни эслади.

Унинг қошида энди тамомила янги одам, янги ер, янги замон бор бўйбасти билан гавдаланиб турарди.

Унинг қошида энди пахтанинг қули эмас, пахтанинг эгаси, ернинг эгаси, ўз ҳаёти ва тақдирининг эгаси сўйламоқда эди. Сўйлаганда ҳам, олдиндан ўргатиб қўйилган сўзларни эмас, ўз тажрибалари, билимлари, ақл-идроки тақозо қилган сўзларни айтар, фикрларида илмга ва аниқ, кўп бора ўлчанган ҳисоб-китобларга суянарди.

Унинг гапларига қулоқ солсангиз, рўпарангизда худди энг замонавий Америка фермери сўйлаётганга ўхшарди.

Ажабо! Беш йилда одам шунчалар ўзгарадими! Шунча янгиланадими одам! Бу китобий, бўялган, безалган, стандартларга мосланган, тўқилган ҳодиса эмас. Уни Президентга кўрсатиш учун ташкил этмаганлар. Бу кўз ўнгимизда рўй бераётган воқеликнинг бир жонли улуши. Яна қандай улуш денг!

У шу ҳафтанинг ўзидаёқ ҳосилни йиғиб-териб олмоқчи! топширмоқчи! сўнг ҳаяллламай шу ернинг ўзига дон сочмоқчи! бўғдой олмоқчи!

Куни кунга, соати соатга, дақиқаси дақиқага ҳисобланган. Граммлар, мисқоллар — сониялар ва дақиқаларга боғланган, ўлчовли, режали.

Баландпарвоз гап бўлиб туюлмасин, назаримда Президент шу тобда ўз орзуларининг рўёбини кўрди, орзулар рўёбга чиқадиган ҳолга дуч келди. Ва шунда у фидокорлик ҳақида сўз юритди.

— ФИДОКОРЛИКНИНГ МАЪНОСИ НИМА? — деди у.

Президент фидокорликни янгича тушунади ва тушунтиради. Ўзбек ерларига, ўзбек деҳқончилик илмига янги технологияларни жасорат билан олиб кириш, экинчиликнинг янги усулларини ахтариш ва топиш ва шулар асосида деҳқончиликни янги сифат босқичига кўтариш, ҳамма нарсаларни чуқурроқ англаш ва ўрганиш, саноатни қишлоққа дадил олиб кириш, ҳар бир иш усулининг қулайлиги билан бирга қийин,салбий жиҳатларини таг-тагигача ўрганиш ва шулар баробарида ҳосилдорликни кўтариш, маҳсулот таннархини камайтириш, ернинг доим унумдор бўлишига эришиш — Президент фидокорликнинг маъносини шу кундалик иш-изланишларда деб билади.

Совет истибдоди замонларида ҳам кўп фидокорликлар бўлган. Тонг саҳардан қоронғу кечгача қора тер тўкиб эвазига ҳеч ваҳога эга бўлмаслик ҳам фидокорлик эди. Самолётлардан дори сочиб ўтиладиган, дори тушган сувларни ичишга мажбур одамларнинг фидокорлиги ҳам — том фидокорлик эди. Собиқ совет тузуми халқимизнинг фидокорлигидан ўз мақсадларида хўб фойдаланди. Эвазига унга сариқни қолдирди. У фидокорликлар ихтиёри ўзида бўлмаган одамларнинг фидокорликлари эди. Мажбур қилинган, зўрланган одамнинг фидокорлиги ўз ҳаётига татимайди. Ихтиёр ўзида бўлмагач, фидокорлик уни ёлчитмайди. Қанчадан қанча мисоллар бор бунга.

Лекин эркин одамнинг фидокорлиги, ўз эрки, иродаси, ихтиёрига эга одамнинг, ўз мустақил юрти, ватани учун тер тўкаётган одамнинг фидокорлиги — бу бутунлай ўзгача маънавий-ахлоқий ҳодиса.

Президент ана шундай мустақил, эркин, ўз юрти учун доим ҳаракатда бўган инсоннинг фидокорлиги ҳақида сўз юритди.

Юртнинг, элнинг ободлиги шундай фидокорлик билан бўлади.

Фидокорлик баландпарвоз, кўтаринки бир ҳодиса эмас. Балки ишнинг кўзини билиш, ҳаракатдан баракат топиш, кундалик ишюмушларни дўндириб адо этиш, фарзандларни аъло ўстириш, аъло тарбиялаш, ватан хизматига лойиқ қилиб вояга етказиш — булар ҳам ҳар куни ҳар соатда қилинадиган фидокорлик.

Бир тенгдошимни биламан. Қирқ йил канда қилмай ўн тўрт соатлаб трактор минди. Унинг шудгорлаган ерлари, чопиқлари, бажарган ер ишлари агар ёйилса, ер юзига эҳтимол баробар бўлади. У олти ўғил ўстирди. Олти ўғилнинг ҳаммаси ҳунарманд бўлдилар. Ота меҳнатидан ўрнак олдилар. Энг кенжаси деҳқончилик илмини ўрганди. Ўзи пул топди. Ўзи отаси ажратиб берган озгина ерда плёнка остида памидор етиштирди. Ўтган йили илк ҳосилни бозорга май ойида чиқарди. Ҳар тупдан ҳеч бир муболағасиз икки челакдан памидор олди. «Голландия уруғи хўб уруғ экан-да, дада», дебди отасига.

— Голландия уруғи ҳам яхшию, — дебди отаси. — Лекин сенинг ақлинг, ишинг ҳам чакки эмас-да.

Сўнг ўзича ўйлабди: «Қирқ йил минган тракторим энди ҳосил қилди...» У меҳнат, фидокорлик ҳеч қачон зое кетмаслигини назарда тутган эди.

**МУҲАРРИР**

## ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ РАЁСАТИДА

Яқинда Миллий тикланиш демократик партиясининг Раёсат мажлиси бўлиб ўтди.

Раёсат партиянинг навбатдаги III пленумини 1996 йил 2 октябрда чоршанба куни Тошкент шаҳрида чақиришга қарор қилди.

Пленум кун тартибига қуйидаги масалалар тавсия этилди:

1. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий, маънавий ислоҳотларнинг чуқурлашуви ва миллий тикланиш.
2. Ўзбекистонда бошланғич таълимнинг такомиллашуви ва унда партия ташкилотларининг иштироки тўғрисида.
3. Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун — партия фаолиятининг ҳуқуқий асоси сифатида.

Партия пленуми Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 69-уй (Шайхонтоҳур бекати). Қўлёзмалар институти биносида эрталаб соат 10.00да бошланади.

# АТОҚЛИ ШОИРА ХОТИРАСИГА

***20 сентябр куни Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги маданият марказида Ўзбекистон халқ шоири, халқаро Ж. Неру ва Нилуфар мукофотлари лауреати, атоқли шоира Зулфия Исроилова хотирасига бағишланган кеча бўлиб ўтди.***

***Кеча Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Тошкент Давлат Шарқшунослик институти билан ҳамкорликда ташкил этилди. Кечада Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Бхадра Кумар жаноблари, Ўзбекистоннинг маданий ва маърифий алоқалари миллий ассотсиатсияси раисининг ўринбосари Насиба Иброҳимова, «Саодат» журналининг бош муҳаррири Ойдин Ҳожиева, шоира Зулфиянинг ўғли Омон Олимжонов ҳамда Тошкент Давлат Шарқшунослик институти катта ўқитувчиси У. Муҳибовалар шоира ҳақида қайноқ меҳр тўла дил сўзларини айтдилар.***

***Кеча самимий, илиқ ва дўстона руҳда ўтди.***

***Ёдингизда бўлса, ўтган йили опанинг 80 ёшлик муборак тўйини нишонлагандик. Ўшанда опа барча-барчани ҳайратларга солиб, ажойиб бир шеър ўқиб бергандилар... Назаримизда, опа ҳали узоқ умр кўрадигандек эдилар. Ҳали кўп нарсалар ёзадигандек эдилар. Аммо...***

***Ўлим — бешафқат. Тирик шеърият соҳибасининг жисман мавжуд эмаслигига ишонгинг келмайди... Аммо...***

***Шукрким, кўнгилга андаккина юпанч, тасалли олиб кирадиган турфа ҳолатлар бор. Айтадиларким, вафотидан сўнг тез-тез йўқланиб, яхши номлар билан эсланиб турган инсон ҳеч қачон ўлмайди.***

***Ҳиндистон маданият марказида қайғу ва армон, кўтаринкилик ва ҳаяжон чоғишган самимий бир кеча... Биз бу ерда Зулфия опани ёдладик...***

***Зулфия опа Ҳиндистоннинг яқин дўсти эди, йигирма йил мобайнида Ўзбекистон — Ҳиндистон дўстлик жамиятини бошқарганди.***

***Зулфия опа хотирасига бағишланган кечани Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Б. Кумар очди. Шоиранинг фарзандлари, яқинлари, шогирдлари иштирок этган кечада ажойиб хотиралар тингланди; шоира шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар, «Зайнаб ва Омон» операсидан ариялар янгради.***

***1981 йилда композитор Рустам Абдуллаев шоир О. Матжон билан ҳамкорликда Зулфия опага бағишлаб «Садоқат» номли опера ёзишган эди.***

***Хотира кечаси — бари бир, армон кечаси ҳамдир. Биз ҳамиша, эҳтимолки, аксар ҳолларда улуғ зотлар бу дунёдан дорил бақога риҳлат этганларидан сўнггина уларнинг ҳақиқий қадрига ета бошлаймиз. Баайни, шоир айтганидай, «ҳар нарса йироқдан кўринар аён»... Зулфия опанинг шогирдларидан бири Ойдин Ҳожиева ҳасрат ила сўзлаб, жумладан: «Биз ўтган йили опанинг 80 ёшларини қутлаб Аграр дорилфунунда учрашув уюштирганимизда оппоқ кийинган саксон битта қизнинг ҳар бири Зулфия опага биттадан гул тутқазган ва: «Мен фалон ёшингизман», деганди. Э воҳ, балки ўшанда гуллар — йилларни ҳеч бўлмаса юзтага етказганимизда опа ҳали орамизда юрган бўлармиди...» деганида мўъжазгина бўлмада ўтирган аҳли ижодкор бир қалқиб тушгандай бўлди...***

***Албатта, бундай тадбирни уюштирган, Зулфия опанинг руҳи покларини шод қилган Ҳиндистон элчихонасига, маданият марказига, шарқшунослик институтига, катта раҳмат. Валекин, умид қилардикки, биз ўзимиз ҳам ўз улуғларимизнинг, буюк ижодкорларимизнинг қадрига етсак, мана шу шошқин, талотўпли давримизда бир муддат фурсат топиб, уларни ёдлаб, хотирлаб турсак...***

**ГУЛЧЕҲРА**



Андижон. Бобур боғи.

# "ТУРКИСТОН" ГАЗЕТАСИДА ДЕМОКРАТИЯ ДАРСЛАРИ

Жамият ва инсон учун биринчи даражада зарур бўлган барча ҳодисалар ўз-ўзидан ривожланиб кетавермайди, ўз-ўзидан камолотга эришавермайди, ўз-ўзидан кутилган ва исталган ҳосиллар ҳамда самараларни беравермайди. Жамиятда дунёга келган болани кўчага ташлаб кетиш, туғса бас, ўз-ўзидан йиғлаб-сиқтаб катта бўлиб қолади, деб ўйлаш жуда хато ва ўта зарарлидир. Мустақил миллий давлатнинг жамияти айниқса бундай ўзибўларчилик кайфиятларига берилолмайди. Агар қандайдир нобоп шароитлар таъсирида бундай кайфиятларга берилса, сўнг у ўз мустақиллиги ва миллий суверенитетини қўриқлай олмайди. Бу гаплар тарих синовларидан кўп бора ўтган. Бизнинг миллий давлатимиз бошданоқ Ислом Каримов етакчилигида ҳуқуқий, эркин, миллий демократик жамият, фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйди. Демократия ҳам, эркинликлар ҳам, инсон ҳуқуқлари ҳам, фуқаролик жамияти ҳам ҳаддан ортиқ муҳим ва жиддий ҳодисалар. Халқ улар билан халқ бўлади. Жамият улар билан жамият бўлади. Давлат ва мамлакат улар билан камол топади. Лекин уларнинг бирontaси — на демократия, на эркинлик — ўз-ўзидан кучли, енгиб бўлмас системага айланиб қолмайди. Уларнинг қудратли ҳаракатчан, қобил системага айланишлари учун давлат ҳам, халқ ҳам, ҳар бир ўз давлатини таниган-билган фуқаро ғайрат билан тер тўкиши ва бу йўлда чарчаш нималигини билмаслиги керак. Демократияни давлатимиз қуриб беради, бизнинг вазифамиз давлат кўрсатмаларини бажариб ўтиришдан иборатдир, деган тарзда иш кўриш ёмон хомхаёл ва бепарволикдир. Давлат демократияга шароит яратиб беради. Фуқаролар эса унинг ҳақиқий ғалабасини ва доимий ҳаракатини таъминлайдилар. Президент Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида «ислоҳотлар жараёнида республикада янги демократик сиёсий тузумнинг асослари яратилди», деб хулоса чиқарди. Бу хулосада жамиятимизнинг ҳозирги ҳолати жуда аниқ ифодаланган. Вазифа: демократик тузумни мустаҳкамлаш ва бунинг учун сиёсий ислоҳотларни изчил кучайтириб, бу борада марраларни қадам-бақадам эгаллашдан иборат. Ҳар ҳолда биз демократия, мустақиллик, миллий мафкура, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг шогирд ва ўқувчиларимиз. Тинимсиз ўрганамиз ва ўрганиш баробарида воқеликни ҳаракатга келтирамиз. Президент «давлат ва жамиятни бошқаришда фуқароларнинг кенг иштироки» ҳақида изчил сўз юритмоқда. Демократия ва эркинликларнинг ҳолати ва даражаси шунга чамбарчас боғлиқ.

«Туркистон» газетаси Президент Ислом Каримовнинг сессияда сўзлаган нутқида кўтарилган кўламли ғояларни ёшларга шарҳлаб бериш мақсадида сиёсатшуносларнинг бир қанча чиқишларини режалаштирди ва шу мақсадда ўз саҳифаларида «Демократия дарслари» деган сермаъно рукн очди. Рукнни сиёсатшунос Муқимжон Қирғизбоевнинг суҳбати билан бошлади. («Туркистон», 1996 йил 18 сентябр). Муаллиф жамиятни ривожлантиришда ҳуқуқий ва сиёсий маданиятнинг тутган ўрнига тўхталади. Бу муҳим тушунчаларнинг анча кенг ва тушунарли таҳлилини беради. Муҳими, у сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни жамиятни демократиялаштиришнинг асосий кафолати деб тушунтиради. Сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлар ўсиб-ривож топиб демократия маданиятига айланади. «Сиёсий маданият қаёқдан пайдо бўлади?» — деб савол ташлайди муаллиф ва бунга шундай жавоб беради: **«Кишилар ўзларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий манфаатларини ёки имкониятларини рўёбга чиқариш учун амалиётда иштирок эта бошлагандагина уларда сиёсий маданият куртак отиб боради».** Муаллиф бу ишда жамоат ташкилотлари ва сиёсий партиялар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини айтади. «МТ» онгимизни чархлашга хизмат қиладиган бундай чиқишларни қутлайди ва айни чоқда бу ҳаракатга ўз ҳиссасини қўшади.

**«МТ» таҳририяти**

## «МТ»: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

### СОҲИБҚИРОН АВЛОДЛАРИ

Ҳаммамизга яхши таниш бўлиб қолган «Темур тузуклари»дан бир парчаға эътибор беринг: «... икки юз қирқ уч йигитим билан ўн икки минг отлиқ ғаним лашкарини мағлубиятга учратдим ва уларни бир неча фарсанг ергача қувиб бордим».

Табиийки, ҳар бири камида тўрт юз ғанимни мағлуб этишга қодир сипоҳилар мардлик ва ботирликда соҳибқироннинг изидан боришган.

Эл мудом ёвқур ва полвон йигитларини эъзозлаб келган. Ҳатто яқин-яқингача ҳам кўплаб қишлоқлардаги тўйлар кураш мусобақаларсиз ўтмасди.

Мустақиллик шарофати билан маҳалла, қишлоқ микёсида ўтказиладиган мусобақалар мамлакат даражасига кўтарилди. Ёдингизда бўлса, 1992 йили Шаҳрисабзда соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишлаб миллий кураш бўйича халқаро биринчи турнир ўтказилганди. Ниҳоят ўтган ҳафта, аниқроғи 10-13 сентябр кунлари яна Шаҳрисабз шаҳрининг муҳташам «Ҳисор» ўйингоҳида соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб миллий кураш бўйича халқаро иккинчи турнир ўтказилди. Унда ўзимизнинг елкаси ерга тегмаган полвонлар қаторида Туркманистон ва Гуржистондан ҳам вакиллар иштирок этишди.

Мусобақаларнинг мутлоқ чемпиони бўлган ғузорлик Б. Авазовга Президентнинг совғаси «Нексия» автомобили тақдим этилди. Иккинчи ўринни эгаллаган М. Тошевга эса Қашқадарё вилоят ҳокимлиги «Тико» маркали енгил машина ҳадя қилди. Бошқа ғолиб полвонларга ҳам қимматбаҳо совға-саломлар топширилди.

### ЎН САККИЗГА КИРМАГАН КИМ БОР?...

Шу куни Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи ёшлар билан гавжум бўлди. Кўзни қамаштирадиган даражада ранг-баранг либос кийган йигит-қизлар турли қувноқ мусобақаларда иштирок этдилар, шунингдек, турли мавзуларда уюштирилган баҳс-мулоҳазалар ҳам улар назаридан четда қолмади.

Ёшлар бор жойда — мусиқа бор. Боғнинг турли майдонларида, саҳналарида машҳур эстрада юлдузлари қатори ёш ижрочилар ҳам театрлаштирилган томошалар намойиш қилдилар.

Кечга бориб эса энг яхши қўшиқ ва рақслар ижрочиларига, байрам учун энг ажойиб либос тиктириб келганларга махсус мукофотлар топширилди.

Умуман, республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси ва пойтахт ҳокимлиги ҳамкорликда ўтказган навбатдаги анъанавий ёшлар сайли кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

### ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРИБ

Бундан бир муддат муқаддам ўзбекистонлик ҳарбийлардан бир гуруҳи АҚШда бўлиб, ўқув машқларида қатнашгани хусусида матбуотда ўқиб, фахрлангандик. Мана, ниҳоят америкалик ҳарбийлар ҳам юртимизга ташриф буюришди. НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурига мувофиқ ўзбекистонлик ва америкалик ҳарбий хизматчилар ҳамкорликда «Ултрабаланс-96» тактик ўқув машғулотларини ўтказдилар.

Жумҳуриятимизда ўтган ушбу машқларда тоғолди шароитларида ҳарбий-тиббий тайёргарлик ҳамда парашютдан аниқ сакраш машқларини бажардилар.

Америка ҳарбий делегатсияси бошлиғи майор Жозеф Фокс: «Машғулотлар самарали ўтди», дея ишонч билдирди.

Айни кунларда иккала мамлакат ҳарбийлари бир ётоқхонада истиқомат қилишиб, бир ошхонадан овқатланишиб, бир ўқув масканида ҳамкорликда машқларни амалга оширдилар.

### МЕҲМОН АЗИЗ

Ўтган ҳафта пойтахтимизга Шаҳноз Саидхоним бошчилигида Покистон аёллари делегатсияси ташриф буюрди. Тажрибали журналистлар, рассомлар, шифокорлардан таркиб топган бу гуруҳ билан республика маданий-маърифий алоқалар миллий ассотсиатсиясида учрашув бўлиб ўтди.

Шундан сўнг меҳмонлар турмуш тарзимиз, урф-одатларимиз билан яқиндан танишиш мақсадида истиқомат қилиш учун ўзбек хонадонларига йўл олдилар.

Покистонлик аёллар, шунингдек, қўҳна Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини зиёрат қилиш ҳамда баъзи ўзбек миллий маросимларида ҳам иштирок этиш ниятидалар.

**Г. МУРОДАЛИЕВА**

# КОМИЛА АЁЛ

Ўзбек халқининг асл фарзанди, ўзбек маданиятининг намоёндаси Зулфия хоним Исроилованинг вафоти мени чуқур қайғуга солди. Унинг ёрқин шеърияти ватанпарварликнинг, дўстлик ва биродарликнинг, ҳаётсеварликнинг, Аёл қалби гўзаллигининг ноёб қўшиқлари эди. Унинг сермазмун ва қизғин адабий фаолияти Ўзбекистон маданий ҳаётини бойитган, қардош халқларнинг ҳам бебаҳо мулкига айланган, бутун дунёда шуҳрат қозонган. Бизнинг серташвиш, курашларга тўла давримизда у авлодларга бунёдкорлик руҳий-маънавий камолотини васият қилди. Мен шахсан суҳбатларига сазовор бўлганим, Ҳиндистоннинг улкан дўсти, буюк арбоб — Зулфия хонимни йўқотишдан беҳад изтиробдаман.

Аллоҳдан унга раҳматлар бўлсин!

**И.К.ГУЖРАЛ,**
**Ҳиндистон ташқи ишлар вазири**

# ЗУЛФИЯ — МЕНИНГ АЛКА КУМАРИМ!

Ҳиндистонда Осиё ёзувчиларининг анжуманига келганида Зулфия менинг меҳмоним бўлди. Ана шунда ўртамизда мустаҳкам дўстлик туғилди. Бу дўстлик мен Ўзбекистонга ташриф буюрганимда яна ҳам чуқур илдиз отиб, гўзал мевалар берди. 1961 йили мен Зулфия хонадонида бўлдим. Унинг бир неча шеърларини панжоб тилига ўгирдим, у эса менинг байтларимни ўзбекчалаштирди.

**Яна илҳом шавқида юрак**
**Сўз излайди ёниқ, беором...**

Ўзбекча сўзлар, панжоби оҳанглар бир сатрга тизилиб, илҳом шариллаб, дўстлик ҳақида гўзал бир достон ёздим.

Тошкент билим юртларидан бирида адабий учрашув бўлди. Биз ўз шеърларимизни ўқидик. Мен бухороча зардўзи дўппи кийиб олган эдим. Зулфия қулоғимга шивирлади:

— Ёраб, сен ўзбек гўзалига ўхшайсан, Амрита!

Эртаси куни биз атлас тўқувчи қизлар даврасида бўлдик. Бизга шоҳи рўмоллар туҳфа қилишди. Шоҳи дуррача ўраган Зулфияга қараб мен ҳам лутф қилдим: — Зулфия, сен панжоб гўзалининг ўзи бўлдинг-қолдинг!

Зулфия мени ўзбекчалаб Амрита хоним деб атай бошлади. Сўнг исмимнинг маъносини билгач, мени Ўлмас хоним деб юритди. Мен «зулф» сўзининг ҳиндчада Алка Кумари маъносини билдиришини айтиб, дугонамни Алка Кумари деб чақира бошладим.

Бизнинг дўстлигимиз икки шоиранинг, икки тилнинг, икки элнинг чинакам дўстлиги, дилга яқинлиги тимсоли эди.

Менинг Зулфиям — Алка Кумарим хотирасига хайру дуолар бўлсин дейман.

**Амрита ПРИТАМ,**
**ҳинд шоираси**

Жаноб И.К.ГУЖРАЛ ва А.ПРИТАМ сўзларини «МТ»га Ҳиндистон элчихонаси лутфан тақдим этди.

**ШАРҚ СИЁСАТИДА ИСТИҚЛОЛ**

# ЎРНАК

## БАҒРИ КЕНГЛИК МАДАНИЯТИ АКС САДОСИ

Йигирманчи асрнинг ўнинчи йиллари охирларида Шарқ мусулмон мамлакатларида миллий озодлик ҳаракати ва миллий тикланиш даври бошланди.

1919 йил Афғонистон Буюк Британия империяси кишанини синдириб чиқиб, расман мустақилликка эришди.

Истиқлол ёруғлигида катта ислоҳотларга қўл урилди. Лекин афсуски, уларни амалга оширишда мамлакатнинг объектив шарт-шароити миллат руҳияти, халқ онги даражаси, диний ва мазҳабий ақидалар, урф-одатлар эгаллаган ўрин назарда тутилмади. Давлат ўз ташкилотларини ҳуқуқий пойдевор асосига қурмасдан, қуролли кучларни янги замон талабига мувофиқ ташкил этмасдан иш бошлади. Халқаро миқёсда ташқи сиёсат бўйича мувозанатни сақлай олмади. Натижада ташқи душманлар ички реаксия кучлари билан бирлашиб, истиқлол ютуқларини оёқ ости қилиб, жуда ёмон фожиали оқибатларга олиб келди, ўн йиллаб ўлкани тараққиёт карвони билан ҳамнафас бўлиб илгари силжиши учун имконият бермади.

Шунингдек, 1978 йил савр ойида юз берган ўзгаришдан кейин, ҳоким партия раҳбарлари томонидан илгари сурилган волюнтаризмга асосланган радикал сиёсат, ундан ҳам ёмонроқ оқибатларга олиб бориб, чет эл қўшинларининг бостириб келиши натижасида бутун мамлакат уруш оловида ёнди. Ва ҳозирда ҳам жиҳодий ташкилотлар ҳокимиятга даъвогар бўлиб турган бир даврда уруш ўти сўнмай, унинг алангалари кун сайин кучайиб бормоқда.

Биринчи жаҳон урушида усмонийлар давлати катта инқирозга учраб, ҳозирги Туркия ҳудудидаги айрим шаҳарлар, иттифоқдошлар томонидан босиб олиниб, мазкур давлат жаҳон харитасидан ўчирилиш хавфини бошидан кечирган эди.Аммо Туркия ватанпарварлари Мустафо Камол Отатурк раҳбарлигида, мисли кам кўрилган фидойилик билан мамлакат бутунлигини сақлаб қолиб, 1923 йилда ҳозирги Туркия республикасига асос солдилар. Давлатнинг ташқи сиёсат салоҳияти ва жамиятнинг ички тизимларини замонавийлаштириш соҳасида кенг кўламли фаолият олиб бориб, жуда кўп сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширдилар.

Миср Араб Республикасида миллий озодлик ҳаракати 1919 йилда Буюк Британияга қарши қўзғолон билан бошланди. 1945 йил Миср Араб мамлакатлари жамоасига кириб, 1952 йил ҳозирги Миср Араб Республикасига асос солинди.

1857 йилдан бошлаб Буюк Британия мустамлакасига айланган Ҳиндистонда Маҳатма Ганди ва Конгресс партияси раҳбарлигида Ҳиндистон ниҳоят 1947 йилда мустақилликка қадам қўйди. Лекин ҳинд ва мусулмонлардан таркиб топган мазкур партия раҳбарияти ўлка бирлигини сақлаб қолишга муваффақ бўла олмади. Кўп йиллардан буён экилган диний низолар ва мазҳабий таассуб уруғлари ўз аччиқ самарасини бериб, бобурийлар даврида ягона, яхлит буюк давлат бўлган Ҳиндистон, диний ва мазҳабий ғоялар асосида Покистон ва Ҳиндистон давлатларига бўлинди. Кейинроқ Покистон ҳам турли зиддиятларга дош беролмай икки мустақил давлатга парчаланди. Ўша даврлардан қолган тубсиз келишмовчиликлар, ҳозирда ҳам Ҳинд ярим оролида мукаммал тинчликни таъминлаш йўлида тўсқинлик қилиб келмоқда.

Туркистонда миллий озодлик ҳаракатлари анча олдин бошланиб, чоризмга қарши таҳсинга сазовор фидокорликлар кўрсатган, 1917 йилдан бошлаб эса бу ҳаракат болшевизм истибдодига қарши қаратилган эди. Бу озодлик курашида барча Туркистон халқлари у ёки бу тарзда иштирок этдилар ва у 30-нчи йилларгача давом этиб келди. «Қизил империя» бу озодлик ҳаракатини золимона зўравонлик сиёсати ва қурол-ярoқ билан бостирди.

Шарқий Туркистонда эса бундай ҳаракат қаҳрамонлик достонларини яратди.

Миллий озодлик ҳаракати нафақат Шарқ мамлакатларида балки жаҳон миқёсида мисли кўрилмаган ютуқлар билан ҳамроҳ эди. Унинг ғалабаси натижасида дунёда мустамлакачилик тизимига барҳам берилиб, Осиё, Африка ва Лотин Америкасида жуда кўп мустақил давлатлар юзага кела бошлади.

Ҳар бир халқ ўз иродаси асосида иқтисодий, ижтимоий тараққиёт йўлини танлаб олиш имкониятига эга бўлди ва баъзи мамлакатлар эндиликда юксак тараққиёт поғоналарига кўтарилдилар. Туркистон то 1991 йилгача ҳам мустамлакачиликнинг янги кўриниши бўлмиш сотсиализм ва коммунизм асорати остида қолди. 1991 йилнинг кузига борибгина Марказий Осиёдаги янги ёш мустақил давлатлар майдонга чиқдилар ва дунё уларнинг сиёсий истиқлолини тан олди.

Афғонистонда ушбу ҳаракат турли-туман ва ташқи мураккаб омиллар таъсирида, шунингдек, жамиятни бошқаришда тутилган нотўғри сиёсат туфайли кутилган натижага эриша олмади.

Йигирманчи асрнинг ўнинчи йиллари охиридан бошлаб, саксонинчи йил охиригача Шарқда мустамлакачилик тизимларининг емирилиш даври, капитализм билан сиёсий ва иқтисодий рақобатга тўла ютқазиб қўйган коммунизмнинг емирилиши ва инқирозига уланиб кетди.

Мазкур инқироз оқибатида дунёнинг энг иқтидорли икки давлатидан бири ҳисобланган собиқ Совет Иттифоқи парчаланди.

Бундан ташқари, эски тизим ва тартибларни сақлаб қолиш мақсадида, халқлар мустақиллигига қарши бўлган унсурлар, минтақада тинчликни бузиш учун Тожикистон фожиасини юзага келтирдилар.

Қора кучлар шундай бир оқибатни Ўзбекистон ва бошқа қўшни давлатларда ҳам юзага келтириш ниятида эдилар ва шундай шум мақсадга эришиш учун барча имкониятлардан фойдаландилар. Ўш, Фарғона ва Паркент ҳодисалари ва шу каби бир қатор можароларни келтириб чиқаришдан мақсад, бутун минтақада барқарорликни бузиб, эркин қўшни давлатларнинг ҳар бирини ўз қонига қовуриб, уларни туганмас кулфатларга ғарқ этиб, ҳақиқий мустақиллик йўлидан қайтариш эди.

Лекин Ўзбекистон давлати ўз Президенти раҳбарлигида тарихий тажрибаларга асосланган қатъий сиёсат олиб борди ва бундай ёвуз режаларни пучга чиқарди. Душман қақшатғич зарбага учради.

Ушбу миллий сиёсатнинг асосий принсипларини ишлаб чиқишда, биринчидан, жаҳон мамлакатлари ҳаётида кўрилган сиёсатлар, босиб ўтилган йўллар, амалга оширилган ислоҳотлар ва улардаги камчиликлар бирма-бир текширилиб, ҳар биридан керакли хулосалар чиқарилди.

Иккинчидан, мазкур сиёсат фақат шу кунни, фақат Ўзбекистоннигина назарда тутмайди, балки келажакда барча қўшни давлатлар, барча Марказий Осиё ва жаҳон давлатлари билан миллий манфаатлар асосида бўлажак муносабатларни ҳам назарда тутади. Бу сиёсатнинг асосий тамойиллари Ўзбекистон Конститутсиясининг 17-моддасида ва Президент Ислом Каримовнинг қатор китоблари, рисолаларида муфассал шаклда баён этиб ўтилгандир.

Мазкур сиёсатнинг амалий аҳамияти: ҳаммадан аввал Тожикистонда юз берган даҳшатли қон тўкиш ва биродаркушлик фожиасига хотима бериш учун, Ўзбекистон давлати биринчи бўлиб ўз амалий таклифларини ўртага ташлади. Ўзбекистон Президентининг БМТ бош котиби Бутрос Бутрос Ғолийга ёзган мактублари, давлат ташрифлари жараёнида масалани тинч йўл билан ҳал қилиш таклифларини ўртага қўйгани, Тожикистон халқига юборилган инсоний ёрдамларини ҳал қилиш учун муҳим туртки бўлди.

Худди шунингдек, Афғонистонда 18 йилдан буён тўхтовсиз давом этиб келаётган қонли урушни тўхтатиш йўлида, томонларни келиштириш ва бошқа муҳим қадамлар ташлаш ташаббуслари, БМТ Бош котибига ёзган хатлари, Бош ассамблеяда сўзлаган нутқи, ЭКО халқаро ташкилоти раҳбарлари йиғилишида берган баёноти, Европа ва АҚШда сўзлаган нутқларида ўз ифодасини топди ва жаҳон жамоатчилиги эътиборини шу муаммоларга тортди.

«Туркистон — умумий уйимиз» шиорини ўртага ташлаб Марказий Осиё ёш мустақил давлатларини бирлик, аҳилликка, иқтисодий ягона макон яратишга чақирди.

Бу интилиш Туркистон халқларининг асосий манфаатларини ифодалагани учун, улар орасида қадимий дўстлик ва биродарликни мустаҳкамлаш, ўзаро иқтисодий муаммоларни ечиш, миллий-маданий алоқаларни тиклаш учун жуда қулай шароит яратиб, одамлар қалбида меҳр-оқибат, биродарлик туйғуларини уйғотиб келмоқда. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида имзоланган бир қатор ҳужжатлар, матбуотдаги ёркин дўстона руҳдаги чиқишлар, Амир Темур 660 йиллигини нишонлаш арафасида Қозоғистон ва Қирғизистонда ўтказиладиган тадбирлар, ушбу интилишларнинг амалий изҳорларидир. Давлат раҳбарининг Европа, Осиё, АҚШ мамлакатларига расмий ташрифлари, Европа Иттифоқи билан имзоланган шериклик ва ҳамкорлик шартномаси, Ўзбекистон давлати эътиборини халқаро миқёсда юксак ўринга кўтаради.

Мазкур шартнома бир неча муҳим давлатлар қаторида Ўзбекистонга берилган катта ва жуда аҳамиятли имтиёздир. Шунинг учун Ғарб матбуоти сиёсий шарҳловчилари буни ёш давлат дипломатиясининг улкан ютуғи бўлди деб баҳоладилар.

Давлат раҳбарининг АҚШга қилган 7 кунлик давлат ташрифи мустақил Ўзбекистон сиёсий ҳаётида ўзига хос ўрин тутади. Мазкур ташриф иккала томондан беш йилга яқин муддат ичида кўп қиррали музокаралар натижасида амалга оширилди. У Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари орасида тутган мавқеини мустаҳкамлади.

Сиёсий нуқтаи назардан ушбу ташрифнинг аҳамияти шундан иборатки, Ўзбекистон раҳбарияти АҚШда камдан кам қўлланадиган удум «Full military honors» (Мукаммал аскарий ташрифот) билан кутиб олинди. Ушбу ташрифотга биноан АҚШнинг энг буюк сиёсий ва ҳарбий давлат арбобларининг абадий ётар жойи бўлмиш Арлингтонда аскарий маросим билан гулчамбарлар қўйилади, эҳтиром аломати сифатида замбараклардан 21 маротаба ўқ узилди. Эҳтиром гвардияси 1776 йилда жорий этилган махсус ҳарбий либосларда ҳурматли меҳмонларни кутиб олади.

Мазкур тантанали маросимдан кейин «Оқ уй»нинг жанубий томонидан президент Билл Клинтон Президент Ислом Каримовни самимий кутиб олди, у билан дўстона суҳбатлар ўтказди, эъзоз-икромлар кўрсатди.

Ушбу ташрифнинг аҳамияти қуйидагиларда кўринади:

Президент И. А. Каримов АҚШдаги учрашувлари Ўзбекистон дипломатияси учун улкан сиёсий муваффақиятдир, Ўзбекистон миллий мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида ўзи учун бошқа дўстлар қаторида йирик, ишончли, қудратли иттифоқдош топишга муваффақ бўлди.

Ҳар икки томон учун иқтисодий томондан жуда катта манфаатли ҳисобланган шартномалар имзоланди. Ўзбекистондаги бепоён ер ости ва усти бойликларни ишлаб чиқариш учун АҚШ катта сармоя маблағлар ажратишни ўз устига олди, чунончи, нефт, газ ва олтин саноатини ривожлантириш юзасидан муҳим шартномалар имзоланди. Мазкур шартномалар асосида Американинг замонавий техникаси ўлкага кириб келди, Ўзбекистонда саноат ривожланиши ва жаҳон талабларига мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун шароит яратиб беради.

АҚШ билан келишувлар, музокаралар, битимлар, Марказий Осиё Ўзбекистонда хавфсизликни таъминлаш, Ўзбекистон қуролли кучларини замон талаблари даражасига кўтариш йўлида ҳам катта имкониятлар яратади ва муҳим стратегик аҳамият касб этади.

АҚШ билан ҳамкорлик илм-фан, технология соҳасида етук миллий кадрлар тарбиялаш, жаҳон бозорига чиқиш, наркобизнес ва терроризмга қарши кураш олиб боришда ҳам жуда катта қулайликлар туғдиради.

Бу ўринда шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, АҚШ ва Европа иттифоқи билан ҳамкорлик, дўстлик муносабатларини ўрнатиб мустаҳкамлаш, ҳар бир давлат учун ҳам осонликча, ўз-ўзидан муяссар бўлавермайди. Ўзбекистон ўз геополитик мавқеи, моддий бойликлари, меҳнатсевар ижодкор халқи, тинчлик ва барқарорликнинг гарови бўлмиш ички ва ташқи сиёсати боис, ушбу муваффақиятга эришди.

Ўзбекистон ва АҚШ орасида дўстлик ва ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши, ҳар иккала мамлакат учун ҳам хайру баракот омили бўлиб хизмат қилади. Жанубий Кореянинг иқтисодий тараққиёт йўлини кутилмаган сурат билан босиб ўтиши, Шимолий Кореяга нисбатан бекиёс фаровонликка эришгани, Ғарбий Германиянинг собиқ Шарқий Германияга нисбатан мўъжизавий олға кетиши, шу каби бошқа айрим дунё мамлакатларининг оз муддат ичида энг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишида тан бермоқ керакки, АҚШнинг илмий, иқтисодий ёрдами ва қўллаб-қувватлаши жиддий омил бўлди.

Ўзбекистон двлати 5 йил муддат давомида тез суръатлар билан ўсди. Ўзбек модели деб аталган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўсини жаҳон миқёсида катта эътибор касб этмоқда.

Швейцария, Олмония, Франсия, Индонезия, Австрия, Россия сингари мамлакатларда нашр этилган Президентнинг китоблари ва уларга жаҳон матбуотининг сиёсий шарҳлари, Ўзбекистонда ўсиб бораётган иқтисодий, сиёсий тафаккурга ҳам берилган юкори баҳодир.

Энди бир ўринли саволга жавоб бериш лозим бўлади. Ўзбекистон мустақиллиги Шарқ мусулмон мамлакатларида бошланган миллий озодлик ва миллий тикланиш ҳаракати билан қандай муносабатда?

Бу борада қатъийлик билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон мустақиллиги, Шарқдаги иқтисодий, сиёсий истиқлол ҳаракатининг узвий бир қисмидир. Мазкур ҳаракатда мустамлакачилик қолдиқларига барҳам бериш, миллий тикланиш жараёнида, руҳий ва маънавий асоратни тугатиш, асосий ўрин тутади.

Ўзбекистон давлати шу ғоялар билан қуролланган ҳолда мустақилликнинг биринчи кунидан бошлаб ўз қарорлари, фармонлари, қонунлари ва қонуний актлари орқали тоталитар тузум қолдиқларига барҳам бериш, миллий ва маънавий қадриятларни тиклаш йўлида дадил қадамлар қўйди ва улкан муваффақиятларга эришди.

Ўзбекистон давлатининг яна бир катта ютуғи — айрим мамлакатларда юз бериб ёмон оқибатларга олиб келган сўлчиликлар, инқилобий сакрашлар, маҳаллийчиликлар, уруғчилик, мутаассиблик, волюнтаризмга мутлақо йўл қўймади ва бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишда қоядек мустаҳкам турди.

Ҳозир мустақил Ўзбекистонда турли миллатларга мансуб, турли тилларда сўзлашувчи халқлар тенг ҳуқуқлилик билан бир аҳил оилага бирлашиб меҳнат қилмоқдалар. Шунингдек, турли дин ва мазҳаб тарафдорлари ҳеч қандай истисносиз ўз ибодатхоналарига бориб диний ва мазҳабий маросимларни эркинлик билан бажариб келмоқдалар. Ўзбекистонда бошқа миллатлар тили, маданияти, урф-одатларини камситиш ёт ҳодиса. Ўзбеклар бағри кенг халқ бўлиб, тор дунёқарашдан узоқ бўлганликлари учун уларда миллий, диний ва мазҳабий таассуб кўзга ташланмайди.

Албатта, бундай кенг қарашлар ва олий инсоний фазилатларга эга бўлиш, бирданига ўз-ўзидан туғилавермайди. Уларнинг илдизи миллатнинг узоқ ўтмиши, босиб ўтган тарихий босқичларига бориб тақалади. Миллатлар маданият ва маънавиятнинг бундай кўринишларини уларнинг миллий қадриятлари ва маънавий бойликларига асос солган ўз ота-боболаридан мерос қилиб оладилар. Бундан кўп асрлар муқаддам Ўрхун хатларида, Юсуф Хос Ҳожиб,Аҳмад Югнакий, Хожа Аҳмад Ясавий, Алишер Навоий, Мирзо Бобур каби буюк шоирларнинг асарларида бундай фазилатлар кенг кўламда тарғиб қилинганлигини кўриш мумкин. Лоақал Навоийнинг машҳур бир ҳикматини олинг. У олам аҳлига қаратиб бундай хитоб этган эди:

**«...Олам аҳли**
**билингиз-ким,**
**иш эмас душманлиғ,**
**Ёр ўлунг**
**бир-бирингизға-ким**
**эрур ёрлиғ иш».**

Биз ўзбек классик адабиётининг улуғ мутафаккирлари қолдирган асарларда умуминсоний қадриятлар ва муносабатларга чақирадиган бундай ўгитларни кўп учратамиз. Бу халқ ўзини таассубдан ҳоли қилиш йўлида улуғ маърифий ишларни ҳамиша амалга ошириб келгандир. Бунинг амалий натижасини ҳозирги Ўзбекистон жамиятида ҳар томондан кўриб турибмиз. Бағри кенглик, бошқа миллатлар ва мазҳаблар эътиқодига ҳурмат кўзи билан қараш, халқнинг табиатига сингиб кетгандир. Шунинг учун, мен таъкидламоқчи эдимки, мустақил Ўзбекистон ўз тинчликсевар сиёсати билан минтақада сулҳу барқарорликни таъминлашнинг асосий омили бўлишидан ташқари, бошқа мусулмон мамлакатлари учун ўзга дин ва мазҳаблар, турли миллатларга нисбатан камситмаслик ва таассубсизлик маданияти билан яхши ўрнак ва мисол бўлмоқда.

**Абдулҳаким Шаърий ЖУЗЖОНИЙ**

**Фалсафий гурунг**

# КАРОМАТ



Сурат муаллифники

Адабиётни жонидан ортиқ севадиган қўшним эшикдан кираркан:

— Ў, файласуф! Мана буни ўқидингми? — деб хитоб қилди қўлидаги Чингиз Айтматовнинг «Кассандра тамғаси» рўмонини кўрсатиб. — Барча фалсафанг бунда, энди бунда! Мен уни ўқиб йиғладим, аччиқ ҳақиқатдан йиғладим!..

Ҳақиқатни тили аччиқ. Тиғи ҳам. Мен буни рўмонни ўқигач, тушундим. «Қуръони каримда айтилишича, Худо ҳақиқатни кўтариб тоғу тошлар олдига борибди, — Мана ҳақиқат, олинглар! — деб таклиф қилибди у. — Бизга ҳақиқат керак эмас, унинг юки оғир, — деб жавоб берибди тоғу тошлар. Худо ҳақиқатни кўтариб ўсимлик, ўрмонлар олдига борибди. — Мен сизларга ҳақиқатни олиб келдим, олинглар! — Бизга ҳақиқат керак эмас, унинг тили аччиқ, — дебди ўрмонлар. Худо ҳақиқатни кўтариб сув, дарёлар олдига келибди. — Сизларга ҳақиқатни олиб келдим, мана у, олинглар! — Ҳақиқатни тиғи аччиқ, бизга керак эмас у, — деб рад этишибди сув, дарёлар. Шунда Худо ҳақиқатни кўтариб одам олдига келибди. — Сенга ҳақиқатни олиб келдим, ма, ол! — дебди У. Одам охирини ўйламай олибди. Одам ҳақиқатнинг тилига ҳам, тиғига ҳам чидолмайди...

«Кассандра тамғаси» биз ҳақимизда. Биз яшаган давр, биз ишонган эътиқод ва биз сиғинган санамлар ҳақида. Тўғри, ёзувчи барча юкни ўз қаҳрамонларига юклайди. Унда биз очиқ тилга олинмаймиз. Аммо асарнинг бош қаҳрамони ва халқ бошига тушган азоб-уқубатларнинг, ёвузликларнинг сабабчиси бизнинг ўзимиз эмасми?

Давр одамларни эмас, одамлар даврни яратади. Ёр ҳам ўзимга ўзим, ёв ҳам. Ёрман дединг — дунё сенга ёр, ёвман дединг — дунё сенга ёв. Гитлер-сталин даври кишиларнинг дунёга «ёвман» деган даври эди. Улар тор синфий мақсадларни яхши ўзлаштириб олган, ўз моли ва жонини сақлаб қолиш учун баъзан ён қўшниси, дўсти, ҳатто туққанларини ҳам «халқ душмани» деб сотишга шай кишилар эди. Улар бир эмас, икки ҳам эмас, кўпчилик, жуда кўпчилик, яъни «биз» эдик. Рўмонда очиқ таъкидланмаган, аммо бадиий тасвирлар ва қаҳрамонлар ҳаётига сингдирилган аччиқ ҳақиқат мана шу...

Шарқ фалсафасида тақдир ёки қисмат деган тушунча бор. Тақдирдан қочиб қутулолмайсан дейди халқ. Тақдир доимо кишининг олдида юради. У сени юлдуз каби ўзига имлагани имлаган. Уни хаёлдан қувиш ёки тилда рад этиш мумкин, бироқ унинг олдига бормаслик мумкин эмас. Одам, худди Эдип каби, тақдирдан қочиб, аслида эса унга интилиб яшашга маҳкум этилган. Тақдир кишига жон билан, бирга ўтади. Шарқ тафаккури эзгулик ва ёвузликни ҳам қисмат билан боғлайди. Чингиз Айтматов Шарқ фалсафасидаги мана шу фикрларни ўз асарига асосий ғоя қилиб олади.

Гитлер-сталин ёки сталин-гитлер наслдан наслга ўтиб жамланиб келган ёвузликларнинг йиғма тимсоли бўлса, уларнинг даври ана шу ёвузликлари ташқарига пўртанадек отилиб чиққан даврдир. Бу ёвузликлар ва ваҳшийликлар тарихига айланган бўлса-да, улар келтирган азоб-уқубатлар авлодлар, кишилар юрагида ўчмас из, битмас тамға бўлиб қолган. Ҳаётимизда, ён-атрофимизда, кўнглимизда кечадиган ҳар қандай нопок қилмиш, шум фикр, ёвуз ният беиз кетмайди, улар онгимиз, вужудимиз қаърида пайт пойлаб ётади, қулай он туғилиши биланоқ улар борлиғимизни чулғаб, ўй-фикримизга ҳокимлик қилади ва қабиҳ ишларга етаклайди. Мўмин-қобил кишини арзимас баҳона боис ярамас, аблаҳ, ҳатто ёвуз қотилга айланганини ҳаммамиз кузатганмиз. Ҳозиргача руҳшунослар инсон табиатидаги бу мўъжизага асосли жавоб беролмаган. Аммо, Чингиз Айтматов барча руҳшунос-олимларни лол қолдириб, бу ўта сирли ҳолни қисмат билан боғлайди, ҳатто қисматни у осонгина пайқаш, кўриш мумкинлигини «кашф» этади.

Ишонган тузум ва ғоялар ғайриинсоний эканини сезган Андрей Крилсов ердаги ҳаётдан, тўғрироғи эса, фазодан ерга қайтишдан воз кечади. Самовий монах зоҳиран ердан кечган бўлса-да, ботинан ер билан, кишилар билан бирга. Ер қайғуси, кишилар тақдири, айниқса конюхановлар тузуми таъсирида ўзи лабораторияда, ота-она меҳридан, қариндош-уруғ туйғусидан, муқаддас инсоний ҳислатлардан маҳрум қилиб етиштирган кишиларнинг қисмати уни безовта қилади. Изланишлар туфайли у ҳомиланинг биринчи ҳафтасидаёқ гўдакка туғилиши истаги борми ёки йўқлигини, агар йўқ бўлса, аёл пешонасида доғ, тамға пайдо бўлишини кўрсатувчи нурларни кашф этади. Бу аслида кишиларни дунёга келадиган янги гитлер-сталинлардан, демак янги азоб-уқубатлар, қабиҳлик ва ёвузликлардан огоҳлантириш эди. Ёзувчи буни қаҳрамон тилида, инсоният ҳаётини бутунлай ўзгартиришга қодир буюк кашфиёт деб атайди.

Шу ўринда битта ҳаётий мисол келтиришни истардим.

1961 йил апрел ойи эди. Юрий Гагариннинг фазога учганига тўғри келгани учун бу воқеа эсимда қолган. Ўзимга яқин бўлган бир аёл негадир пешонаси қичишини, баъзан эса кечалари ўша жойдан нур таралишини айтганида, бувим, демак ўғил кўрасан, деганди. Ҳақиқатдан ҳам, аёл ўғил кўради, аммо бу бола катта бўлгач, ота-онаси, қариндош уруғлари, хотини бошига шундай қайғулар соладики, инсон боласи бундай бераҳмликларга қодирлигига ақл бовар қилмасди...

Минг афсуски, Филофейнинг кашфиёти ерликлар учун ёвузлик бўлиб кўринади, улар, туғиш-туғмаслик бизнинг хоҳишимиз, аллақандай монахнинг шахсий ҳаётимизга аралашишига йўл қўймаймиз ўлим унга, уни ҳимоя қилаётганларга ҳам ўлим, каби даъватлар билан Роберт Боркни — Филофей қарашларини ҳимоя қилувчи башоратчи олимни — тутиб ўлдиришади. Эзгулик нодонлик туфайли ёвузликка айланади — кети-чети йўқ ёвузликка. Бошқача бўлиши мумкин эмасди, чунки одми кишиларда эзгуликка эргашишдан нодонликка эргашиш кучли. «Одам зотида нодонлик бўлмаганда, — деб ёзган эди Сенека ўзининг машҳур «Камолотга етакловчи мактублар» асарида, — бенуқсон фаришта ва беайб парвардигорларни яратишга ҳожат қолмаган бўларди». Ерликлар тортаётган азоб-уқубатлардан безган, эзгулик истаб қилган ихтироси кишилар нодонлиги туфайли ёвузликка айланганини кўрган Филофей йўқ бўлишни, яъни чексиз бўм-бўшлиққа сингиб кетишни афзал кўради. Ёзувчи унинг бу қарорини Исо алайҳиссаломнинг қатл этилишига қиёслайди. Икки минг йил олдин ҳам кишилар даволанишни исташмаган, аксинча, «шифокор»ни ўз қўллари билан хочга тортишган. Филофей тақдирида, бу сафар фазода, яна ўша фожиа такрорланади. Ҳақ гап: пайғамбарнинг хизматидан кўра қисмати ўхшаш. Самовий монахликка даъвогар Филофейнинг ҳаёти ҳам олдинги пайғамбарлар ҳаётидан, тақдири улар тақдиридан, қисмати улар қисматидан фарқ қилмаслиги табиий эди, чунки ибтидоси аённинг интиҳоси ҳам аён.

Охиратга ишонмайдиган дин йўқ. Уни муҳокама қилмаган фалсафа йўқ. Чингиз Айтматов охиратни бадиий-фалсафий тасвирларга сингдириб, одам, унинг қисмати, эзгулик ва ёвузлик, меҳр-муҳаббат ва бедиллик, муқаддас ва ўткинчи нарсалар ҳақида ўқувчини ўйлашга чорлайди. Ҳамма нарса инсонга, унинг ақл-заковати, борлиққа муносабати, эзгуликка интилиб яшашига боғлиқ. Охират, унинг бўлиш ёки бўлмаслиги ҳам.

Қадимги юнон афсоналарда айтилишича, Апполон Кассандрани севиб қолиб, унга каромат қилиш ҳислатларини ато этган. Аммо Кассандра ўз ваъдасини бузади, бу қилмиши учун уни Апполон жазолайди, яъни унинг кароматига кишиларни ишонмайдиган қилади. Эсхилнинг Агамемнони Трояни енгиб шоҳ қизи Кассандрани асира қилиб қайтади. Агамемнон саройига кирганда, Кассандра, о, ажал яқин, деб қотиллик рўй беришидан огоҳлантирса ҳам, ҳатто «ажал яқин, ана қотил шай» деб фарёд кўтарса ҳам, ҳеч ким унинг гапига ишонмайди.. Аммо, Кассандра каромат қилган фожиа рўй беради. Ким билади, Чингиз Айтматовнинг Филофейи қисмат қонунига мувофиқ эркак ўрнида туғилган Эсхилнинг Кассандрасидир, ахир ёзувчи асарини Кассандра номи билан бежиз атамаган-ку? Филофейнинг охират ҳақидаги кароматига ишонтиришга ҳожат қолмайди...

**Виктор АЛИМАСОВ**

# ПАРТИЯГА ЕТАКЧИЛИК, ФАОЛЛИК, ШИЖОАТ ЗАРУР

Республикамизда қисқа 5 йил ичида иқтисодий, сиёсий, маданий, ва бошқа соҳалардаги ислоҳотлар боис салмоқли ижобий натижалар қўлга кирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида сўзлаган нутқида буни шундай таърифлади: «**...истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумэътироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб ва тарихий имкониятга эга бўлдик. Биз унинг қадрига етишимиз, кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз керак».**

Ана шу демократик ўзгаришлар натижасида мамлакатнинг сиёсий майдонида бир қанча партиялар фаолият олиб бормоқда. Ҳар бир шахс учун хоҳлаган сиёсий партиясига, яъни ўзининг мақсад ва орзулари, умидлари, дунёқарашига тўғри келадиган сиёсий уюшмага аъзо бўлиб кириши, мустақил Ўзбекистон Республикасининг дунёнинг энг илғор давлатларига етиб олиши, халқнинг маънавий-сиёсий онгининг фаоллашувига тўла маънода ҳиссасини қўшиб боришга катта имкониятлар яратилди. Энди аввалги якка партия ҳокимлиги йўқ. Мамлакатда Халқ демократик партияси, Ватан тараққиёти, Адолат сотсиал демократик партияси ва Миллий тикланиш демократик партияси сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг таъсис қурултойи ўтганига бир йилдан ошди. Шу қисқа вақт орасида вилоятлар, туман, шаҳарларда партиянинг ташкилий шаклланишига асос солинди. Ҳозирги кунда Андижон вилоят партия ташкилотига Тўлан Низом, Бухоро вилоятда Тожи Қориев , Жиззахда Ўрол Носиров, Наманганда арабшунос олим Исматилла Абдуллаев, Навоий вилоятида Ўрол Санақулов, Сирдарё вилоятида Акром Каттабеков, Сурхондарёда Бахтиёр Сатторов, Фарғонада Комилжон Мирзаев, Қашадарё вилоятида Самат Шойқулов, Хоразмда Зарифбой Дўсимов, Тошкент вилоятида Асқар Ортиқов, Тошкент шаҳрида Маннон Алиев каби таниқли, фаол зиёлилар Миллий тикланиш демократик партиясининг ишларига етакчилик қилмоқдалар. Улар ўз атрофларига халқ олқишига сазовор бўлган кишиларни бирлаштириб мамлакатимиз олдида турган улкан вазифаларни бажаришда иштирок этмоқдалар.

Ўтган вақт партиянинг истиқбол режаларини аниқлаб олиш фасли бўлди. Партиянинг марказий ҳайъати ўз ишини Миллий тикланиш демократик партияси Дастури ва уставида кўрсатилган ишлар бўйича олиб боришга ҳаракат қилди. Партиянинг Дастурида кўрсатилган асосий йўналишлар — Миллатнинг маънавий бирлиги, Ватан (Туркистон) — ягона оила, Кучли демократик давлат, Миллий қадриятлар, илмий техникавий тараққиёт ва умумжаҳоний интегратсия, Замон кишисини шакллантириш юзасидан бирмунча ишлар амалга оширилди.

Партиянинг Раёсат йиғилишлари ва пленумларида ташаббускорликни ошириш чоралари белгиланди, етилган масалаларни муҳокама қилишга алоҳида эътибор берилди. Марказий ҳайъат пленумида «Миллий тикланиш — истиқлол хизматида» масаласи кўрилди. Яқин кунларда ёшлар маънавияти таълими ҳақидаги масалани муҳокама этиш режалаштирилди. Вилоятлар бўйича айниқса, Сирдарё, Қашқадарё, Жиззах, Наманган вилоятлари партия ташкилотлари, чунончи, Сирдарё вилояти партия ташкилоти ҳайъатининг мажлисларида дастурий йўл-йўриқлар қандай бажарилаётгани кўриб чиқилди.

Қашқадарё вилояти партия ташкилотининг олиб бораётган ташкилий, оммавий, сиёсий ишлари ҳам диққатга сазовордир. Бу вилоятда ҳам барча туман ва шаҳарларда партия ташкилотлари тузиб бўлинган. Вилоят партия ташкилоти ўз ишини аниқ белгиланган режа асосида олиб боради. Партия ташкилотининг раёсат йиғилишлари ,ўз вақтида ўтказилмоқда. Йиғилишларда Миллий тикланиш демократик партиясининг Дастури ва Устави талаблари кенг, таъсирчан тушунтириб борилмоқда.

Партия фаоллари билан иш олиб боришда Наманган ва Жиззах вилоят партия ташкилотларининг ишлари ҳам диққатга сазовордир. Бу ерда «Туркистон — ягона Ватан», «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзусига алоҳида эътибор берилмоқда. Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан тадбирлар ўтказиш мўлжалланмоқда.

Умуман, вилоятларда тарихий маданий қадриятларни халқ онгига сингдириш, «ҳур онг»ни тарбиялашга катта эътибор билан қаралмоқда. Миллий тикланиш демократик партияси фаоллари бу ишларга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси фаолиятини ёритиб боришда «Миллий тикланиш» ҳафталик газетаси алоҳида рол ўйнамоқда. Ҳозиргача мазкур газетанинг 67 та сони чиқди. Газета жамоаси томонидан тайёрланаётган материалларда партиянинг ташкилий ижодий жараёнлари, юртбошимиз раҳбарлигида давлатимизни мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган кўламли ишлар, маънавият ва маърифат, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий мавзулардаги ранг-баранг мақолалар қизиқиш билан ўқилмоқда. Мамлакатда ижтимоий фикрнинг шаклланишига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, газета саҳифаларида партия ташкилотлари фаолияти мунтазам ёритиб борилмайди. Бунга сабаб вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари фаоллари ўз ташкилотларининг фаолиятлари ҳақида ниҳоятда кам материаллар берадилар. Айниқса, Самарқанд, Хоразм, Навоий, Андижон, Фарғона вилоятлари партия ташкилотлари раҳбарлари вилоятларда олиб борилаётган партиявий ишлар ҳақида муаммоли, таъсирчан чиқишлар қилиб туришлари, айни муддао.

Энди умуман партиямиз олдида турган муаммолар ҳақида гапирадиган бўлсак, тан олиш керакки, Марказий ҳайъат раҳбарларидан тортиб вилоятлар, Тошкент шаҳри партия ташкилотлари раҳбарларида партиявий ишларни юргизишда фаоллик ва шижоат етишмайди. Бу ҳақда Президентнинг Олий Мажлисда сўзлаган нутқида сиёсий партиялар ҳақида гап борганда жуда ўринли танқид баён этилди. Бундан барча партия ташкилотлари етарлича хулоса чиқаришлари лозим. Айрим вилоятларда партия ташкилотчилари замонавий партиявий иш услубларини билмасликлари сезилмоқда. Натижада партия ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Шундай экан, партия ишига қизиқмайдиган кишиларни номигагина ушлаб туришнинг партия учун сира фойдаси йўқ. Бу зудлик билан ташкилий масалаларни кўриб чиқишни талаб этади. Ҳозир Марказий ҳайъат шу масалалар билан шуғулланмоқда. Ундан ташқари Сурхондарё, Хоразм вилоятлари партия ташкилотлари ишига сусткашлик билан қарамоқда. Буларда партия фаолларининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаш тажрибалари етишмайди.

Ҳозирги вақтда партия ташкилотларимизни асосий вазифаси пария Дастуридаги талаб ва вазифаларни бажариш билан бирга Конститутсиямиз, Олий Мажлис сессиялари, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси юксалишига қаратилган ҳужжатлари асосида ўз сиёсий тарғиботларини олиб боришдан иборат бўлиши лозим.

Олий Мажлиснинг VI сессиясида сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйилганлиги айни муддао бўлди.

Бу жамият ҳаётини демократиялаштириш, кўппартиялик шароитида самарали иш юритишда муҳим рол ўйнайди. Энг асосийси, партияларнинг ташкилий, оммавий, сиёсий, маънавий йўналишларини замон талаблари даражасида олиб боришда катта аҳамиятга эгадир.

Яқинда мамлакатимизда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида муҳим фармон чиқди. Бу фармонни амалга ошириш — халқимиз орасида маънавиятни юксалтириш, мустақиллик руҳини кўтаришда, одамларни ўзликларини чуқур англашларида, ёш авлодни буюк анъаналаримизга, ота-боболаримиз насиҳатларига содиқ бўлиб, Ватанни, элнинг буюк келажаги учун фидоий инсонлар бўлиб етишишида ғоят катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун халқимиз орасида юксак маънавиятни шакллантиришда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси вилоят, туман, шаҳар ташкилотлари «Маънавият ва Маърифат» жамоатчилик маркази ташкилотлари, «Камолот», «Маҳалла», «Олтин мерос» хайрия жамғармалари ва бошқа жамоа ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб боришлари мақсадга мувофиқдир. Давримиз шуни талаб қилмоқда.

**Тошпўлат ТОШЛОНОВ,**
**Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси марказий ҳайъати раиси ўринбосари**

